

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Халқнинг ризқ-рўзи, мўл-кўлчилик манбаи бўлган ердан унумли, оқилона фойдаланиш бугунги пандемия шароитида янада катта аҳамият касб этмоқда. Айни вазиятда ишсиз, кам таъминланган инсонларнинг кўпчилигини қишлоқ хўжалиги соҳасига йўналтириш чора-тадбирлари мамлакатимизда фойдаланишга яроқли ер майдонларини кенгайтириш заруратини юзага келтириши табиий.



ЕРНИ БОҚСАНГ БОҒ БЎЛАР, ҲОСИЛИДАН ЭЛ ТЎЯР

Ушбу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида шу йилнинг 1 май куни давлатимиз раҳбарининг “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, фойдаланишдан чиқиб кетган ва ер ости сув захираси мавжуд бўлган ерларни фойдаланишга киритиш, уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун аҳолига имтиёзли шартларда ажратиб бериш тартиби белгиланди.

КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Қарорга мувофиқ, фойдаланишга киритилган ер майдонлари туман ҳокимлиги томонидан деҳқончилик соҳасида билим ва кўникмага эга бўлган, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга 1 гектаргача ҳажмда деҳқон хўжалиги юритиш учун истисно тариқасида 10 йилгача муддатга ижара берилади. Ёки туман ҳокимлиги тажриба-синов тариқасида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига барча харажатларни олдиндан тўлаш шarti билан 5 гектаргача бўлган ер майдонларини 10 йилгача муддатга ижара ҳуқуқини электрон аукцион асосида сотади. Бунинг учун янги фойдаланишга киритиладиган ерларнинг ижара ҳуқуқини “E-ijro Auktsion” ягона электрон савдо майдончасида сотиш имконияти яратилади.

— Мазкур қарорнинг қабул қилиниши кўп йиллардан буён захирада турган ерларни фойдаланишга киритиш билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмини оши-

риш, бу орқали аҳолига сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, — деди Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи Фахриддин Суёнов. — Қарорда ер ости сув захиралари мавжуд жойларни аниқлаш, фойдаланилмаётган ерларнинг контурлар кесимида руйхатини шакллантириш, ушбу ер майдонларига экин турларини жойлаштириш, хар бир контур бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш учун маблағлар ажратиш, тендер асосида пудратчи корхоналарни аниқлаш бўйича масъул вазирлик ва идораларга аниқ вазифалар топширилди. Ушбу тадбирларни амалга оширишни тартибга солувчи “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Шахсий томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳам белгиланди.

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

Ерни ажратишда қўйиладиган асосий талаблардан бири ундан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Хусусан, ажратиладиган ер майдонларида сув тежовчи технологияларни қўллаш, устувор равишда сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва мойли экинлар экиш ҳамда боғ ва тоқзорлар барпо этиш кўзда тутилган. Ушбу ерларда енгил конструкцияли дала шийпони ва сугориш иншоотларини жойлаштиришга рухсат берилади, аммо бошқа турдаги, жумладан, турар жой, бино ва иншоотлар қуриш қатъиян ман қилинади.

Ердан самарали фойдаланган инсонларга алоҳида имтиёзлар ҳам тақдим этилади. Жумладан, ердан фойдаланиш давомида белгиланган экин турларини экиб, иш ўринларини яратган,

ижара харажатларини ўз вақтида қоплаган тадбиркорларга ижара муддатини узайтиришда устуворлик ҳуқуқи берилади. Ерни боқсанг боғ бўлар, ҳосилидан эл тўяр, деб бежиз айтилмаган.

ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

Кам таъминланган оилалар ижарага олган ердан мақсадли фойдаланиши учун табиийки, бошланғич маблағ ва кўникма зарур. Шу боис, қарор билан туман ҳокимликлари фойдаланишга киритиладиган ер майдонларининг яхлитлиги, бир маҳсулот турига ихтисослашиши, мева-сабзавотчилик кластерлари ва кооперациялари орқали деҳқон хўжаликларига уруғлик ва кўчатлар етказиш, илғор агротехнологияларни ўргатиш, етиштирилган маҳсулотларни реализация қилишда кўмаклашиш, шунингдек, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини етарли ҳажмда ва ҳамёнбоп нархларда харид қилишлари учун зарур инфратузилма яратиши белгиланди.

Шунингдек, ижарага бериладиган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) иштирокидаги “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш” лойиҳаси ҳамда Жаҳон банкнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ушбу тадбирлар учун Инқирозга қарши кураш дастури доирасида 300 миллиард сўм, 2020 йилда тижорат банклари томонидан 2 триллион сўм маблағ ажратилиши ҳамда улар айнан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи ва унинг экспорти билан шуғулланувчи корхоналарга йўналтирилиши белгиланди.